

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШДА
ИММУНОПРОФИЛАКТИКАНИНГ АҲАМИЯТИ”**

модули бўйича

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й
М А Ж М У А**

Тошкент 2018

*Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил
_____-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида
тайёрланди.*

Тузувчи: Тошкент тиббиёт академияси, болалар, усмирлар ва овқатланиш гигиена кафедраси доценти т.ф.н. Азизова Ф.Л.

Такризчилар: Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси мудирини профессор, т.ф.д. Ш.Т.Искандарова

Тошкент тиббиёт академияси, болалар, усмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мудирини доцент т.ф.д. Н.Ж.Эрматов

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 201__ йил
_____-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	12
III. Назарий материаллар	27
IV. Амалий машғулот материаллари.....	38
V. Кейслар банки.....	52
VI. Мустақил таълим мавзулари	59
VII. Глоссарий	60
VIII. Адабиётлар рўйхати	66

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида чуқур ислохотлар бошланди. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш Президентимиз ва ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб, давлатимизнинг энг устивор ижтимоий масалаларидан бирига айланди

Ўтган 25 йил ичида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, янги давлат таълим стандартларини яратиш, ўқув жараёнига янги ахборот – коммуникацион, педагогик, таълим технологияларини жорий этиш, ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш бўйича республикамызда таълим соҳасида катта ислохотлар амалга оширилди.

Тиббиёт ходимларини профессионал билим даражасини ошириш мақсадида кадрлар тайёрлашни бир нечта босқичларда олиб бориш тизими яратилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самарасини ошириш учун тиббиёт ходимларида, айниқса тиббиёт кадрларини тайёрлашга масъул бўлган профессор – ўқитувчиларининг тиббий профилактика иши фани бўйича билим, кўникма ва малакаларини ошириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир.

тиббий профилактика иши- бу тиббиёт фанларидан бири бўлиб, касаликларни тарқалишини, уларни келиб чиқиш сабабларини, хавф омилларини ўрганади.

Ҳозирги вақтда тиббий профилактика иши фанининг назариясини клиник эпидемиология фани, унинг инструментини эса тиббиёт статистикаси ташкил этади. Ушбу фан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайди. Асосий адабиётлар инглиз тилида чоп этилганлиги сабабли, ушбу фанни ўзлаштиришда тингловчиларда ва ўқитувчиларда бир мунча қийинчилик туғилади. Шунини ҳисобга олиб, далилларга асосланган тиббиёт фани бўйича ушбу дастур тузилди ва унга асосан ўқув қўлланмалар, тарқатма материаллар тайёрланди. Тошкент Тиббиёт Академияси қошидаги раҳбар ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказида барча тиббиёт йўналишлари профессор-ўқитувчилари учун асосий фан сифатида ўқитилмоқда. Бундан ташқари ушбу қўлланма катта илмий ходим изланувчилар ва мустақил изланувчилар, магистратура талабалари, клиник ординаторлар, амалиётда фаолият кўрсатаётган соғлиқни сақлаш тизими менежерлари ва шифокорлар томонидан кенг қўлланилиши тавсия этилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулни ўқитишдан мақсад - Соғлиқни сақлаш тизимида юқори малакали етук мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондира оладиган, билим, малака ва амалий кўникмаларни керакли ҳажмда эгаллаган педагог кадрларни таёрлашдан иборат.

Барча тингловчилар ўз амалий ва илмий фаолиятларида аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонуни туғрисидаги назарий билимларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиради..

Модулнинг асосий вазифалари:

- тингловчилар аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонунини тугган ўрни билиш.

- тингловчилар аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонунининг асосий мазмуни билиш.

- тингловчилар аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонуни туғрисидаги билимларни шакллантирадилар

- тингловчилар аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги

тўғрисидаги қонунинг хар бер боблари тўғрисида тушунча эга бўлиш.

- тингловчилар аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонунинг хар бер бобларни ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг қонуни ўзлаштириш жараёнида

Тингловчи:

– Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасини давлат томонидан тартибга солишни

– Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини

– Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари;

- Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари;

-Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар

бўлиши лозим.

Тингловчи:

– Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар ҳақида;

– Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг ваколатлари ҳақида;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг ваколатлари хақида;
- Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари хақида
- Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари хақида

кўникмаларига эга бўлиши зарур;

Тингловчи:

- санитария қоидаларининг, нормаларининг ва гигиена нормативларининг йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган ҳолда, давлат органларидан ва бошқа органлардан, юридик ва жисмоний шахслардан уларнинг бартараф этилишини талаб қилиш юзасидан кўникмаларига эга бўлиши керак;
- объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларида санитария қоидаларига, нормаларига ва гигиена нормативларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш юзасидан кўникмаларига эга бўлиши керак;
- белгиланган тартибда давлат органларига ва бошқа органларга, юридик ва жисмоний шахсларга тўғрисида кўникмаларига эга бўлиши керак:

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Тиббий профилактика ишини ўрганишда Аҳолининг санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни ўзлаштиришда

модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилсада, бунда вазиятли машқлар, слайдларни кўрсатиш, алоҳида педагогик вазиятларни шарҳлаш кабилардан фойдаланиш тавсия этилади.

модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентация ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс ва тест сўровлари, ақлий ҳужум, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Тиббий профилактика ишини ўрганишда замонавий технологиялардан фойдаланиш” модули мазмунан ўқув режадаги “Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” каби ўқув модуллари билан узвий боғлиқ бўлиб, педагогик фаолиятни самарали кечишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Тингловчилар модул доирасида узатиладиган маълумотларни таълим-тарбия жараёнида далилларга асосланган тиббиётни амалга ошириб, мақбул қарор қабул қилишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				назарий	амалий машғулот	қўчма машғулот	
1.	Инсоннинг яшаш муҳити унинг муҳофазаси.	2	2	2			
2	Санитария-эпидемиология хизматлари уларнинг вазифалари.	2	2	2			
3.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларитўғрисида тушунча:	2	2		1	1	
4.	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқлари	2	2			2	

5.	Фуқароларнинг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.	2	2		1	1	
6.	Норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир талаблар	2	2			2	
7.	Объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуришга, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга ҳамда ишга туширишга доир талаблар	2					2
Жами: 14 соат		14	12	4	2	6	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Инсоннинг яшаш муҳити унинг муҳафазаси.

Инсоннинг ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини белгилайдиган объектлар, ходисалар ва атроф-муҳит омиллари мажмуи;

Санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар – юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олишга ва уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, маъмурий, муҳандислик-техник, тиббий-санитария чора-тадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар;

Санитария-эпидемиологик вазият – аҳоли яшаётган муҳитининг ва соғлиғининг муайян ҳудуддаги, кўрсатилган аниқ вақтдаги ҳолати; юқумли ва паразитар касалликлар – инсонга у яшаётган муҳитнинг биологик омиллари таъсир кўрсатиши ҳамда касалликка чалинган инсондан ёки ҳайвондан соғлом инсонга касаллик юқиши мумкинлиги сабабли пайдо бўладиган ва тарқаладиган инсон касалликлари.

2-мавзу: Санитария-эпидемиология хизматлари уларнинг вазифалари.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари, орттирилган иммунитет танқислиги синдромига (ОИТСга) қарши курашиш марказлари, дезинфекция станциялари, ўлат, карантин ва ўта хавфли

инфекцияларни профилактика қилиш марказлари, илмий-тадқиқот муассасаларини ўз ичига олган ягона тизим;
чекловчи тадбирлар (карантин) – юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган маъмурий, тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар;

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида тушунча:

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишда кўмаклашади;

тегишли ҳудудда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши, ҳовли ва уй атрофи ҳудудларидаги қурилишлар ҳамда ҳовли ва уй атрофи ҳудудларини сақлаш қоидаларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида тегишли ҳудудда яшовчиларнинг ихтиёрий асосда иштирок этишини ташкил этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа органларга кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши мумкин

2-амалий машғулот: Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқлари

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар: Давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан санитария-эпидемиологик вазият ҳамда инсоннинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисида ахборот олиш;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

Фуқаролар, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши оқибатида, шунингдек санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш пайтида ўзларининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда қопланиши;

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органларга ёки мансабдор шахсларга ёхуд судга белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3-амалий машғулот: Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги мажбуриятлари

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар: Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг қарорлари ва кўрсатмалари талабларини бажариши;

юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлган тақдирда уларни бартараф этиш мақсадида санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши;

ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ҳамда аҳолига реализация қилиш пайтида маҳсулотнинг, шунингдек бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг хавфсизлигини таъминлаши;

маҳсулотни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва аҳолига реализация қилиш, ишларни бажариш ҳамда хизматларни кўрсатиш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига таҳдид солувчи авария вазиятлари, технологик жараёнларнинг бузилишлари тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларга ишончли ахборот тақдим этиши шарт.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4-амалий машғулот: Фуқароларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фуқаролар: Давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан санитария-эпидемиологик вазият ва инсоннинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисида ахборот олиш;

юридик шахслардан ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан маҳсулотнинг, шунингдек бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг хавфсизлиги ҳамда сифати тўғрисида ахборот олиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари оқибатида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга.

Фуқаролар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши ҳамда бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги шарт.

Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ:

Мазкур модулнинг назарий материални ўзлаштиришда қуйидаги:

→ *ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шакллари*дан: бинармаъруза, савол-жавобли маъруза, суҳбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ *ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:*

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидуал;
- амалий машғулотларда гуруҳли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Ўқув-топшириқ турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
		2,5	“аъло”	“яхши”	“ўрта”
1	Амалий топшириқлар	1,2	2,2-2,5	1,8-2,1	1,4-1,7
	Кейс топшириқлари	0,5			

	Мустақил иш топшириқлари	0,8			
--	-----------------------------	-----	--	--	--

Кўчма машғулот ТГА туман ДСЭНМ ўқув модули ҳамда ЎзР ССВ СГКК ИТИ лабораторияларида ўтказилади.


Кўчма машғулот мобайнида туман ДСЭНМ ўқув модули мисолида Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари структураси билан таништирилиб, Давлат санитария назоратини ўтказишнинг умумий принциплари билан таништирилади. Шунингдек ЎзР ССВ СГКК ИТИ лабораторияларида ўтказиладиган текширувларни таҳлил қилинади.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА Фойдаланиладиган ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Таълим технологияси аниқ педагогик ғоя асосида ишлаб чиқилиб, унинг негизини қуйидагилар ташкил этади: муаллифнинг аниқланган методологик, фалсафий йўналиши; педагогик, психологик ва ижтимоий фанлар ҳамда педагогик амалиёт-концептуал асослари.

Таълим тизими бошқа барча ҳорижий мамлакатлар сингари фалсафа, психология ва педагогикада инсонпарварлик йўналишидаги принциплар асосида тузилади. Педагогикада бу йўналишнинг асосий фарқ қиладиган жиҳати шундаки, бунда таълим олувчининг ўзлиги, унинг шахси, мустақил танқидий фикрлашини онгли ривожланишига аниқ йўналтирилган, уларнинг хусусият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳар бир таълим олувчининг мустақил билиш фаолиятига эътиборида ҳисобланади.

Замонавий таълим технологиясининг асослари



Интерфаол таълим (Interactive) - сухбатли. **Интерфаол** таълим бериш - сухбатли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчи, таълим воситаларининг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

Далилларга асосланган тиббиёт модулини ўқитишда қуйидаги интерфаол усуллардан фойдаланилади.

Муаммоли вазиятлар усули

Муаммоли вазиятлар усули – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни

қабул қилишдан тузилган. Усулнинг етакчи вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ✓ Ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
- ✓ Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
- ✓ Тарбияловчи – фикр алмашилиш кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалардан фойдаланиш усули бизга, назарияни амалиёт билан боғлаш, имконини беради, бу материални таълим олувчилар учун янада кўп долзарбли қилади.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуйидагилардан иборат бўлади:

- ❖ номаълумнинг борлиги, уни топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади;
- ❖ номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун таълим олувчиларда маълум даражада билим манбалари борлиги.

Муаммо 3 таркибий қисмдан ташкил топади:

- Маълум (ушбу берилган вазифадан).
- Номаълум (янги билимларни шаклланишига олиб келади).
- Номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун керак бўлган, аввалги билимлар (таълим олувчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим олувчиларга олдиндан номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида аниқлаш мумкин. Лекин таълим олувчилар ушбу натижа қидирувини амалга ошириш ёки ҳал этиш йўли учун дастлабкига эгадирлар. Шундай қилиб, таълим олувчилар ҳал этиш йўлини билади, вазифаси ўқув муаммоси бўлмайди. Бошқа томондан, агарда таълим олувчилар у ёки бу вазифани ечиш йўлини билмай уни ечиш қидируви учун воситага эга бўлмасалар, унда у ҳам ўқув муаммоси бўлиши мумкин эмас.

Муаммоли вазифани мураккаблиги (вазият «ўқув» муаммо) бир қатор далиллар билан аниқланади, бу жумладан таълим олувчилар даражасига мос қилиши керак. Агарда таништирувчи материал жуда ҳам ҳажми катта ёки мураккаб бўлса, улар ҳамма ахборотни қабул қила олмайдилар, ечимини топишни билмайдилар ва ўқув фаолиятида бўлган ҳар қандай қизиқишлардан маҳрум бўладилар.

Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гуруҳида омадли вариантини тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгида ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, келажакдаги касбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам бўлади.

**Муаммоли вазиятлар усули қўлланилган
ўқув машғулотининг технологик харитаси**

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
Тайёргарлик	➤ Таълим берувчи мавзу, муаммоли (муаммо) вазиятни танлайди,
1 – босқич Муаммога Кириш	➤ Тингловчилар гуруҳларга бўлинадилар; муаммоли вазиятлар баён қилинган материаллар билан танишадилар
2 - босқич Муаммога кириш	➤ Ушбу муаммони ҳал этишнинг турли имкониятларини гуруҳларда муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар, энг мақбулларини топадилар, ягона фикрни ифодалайдилар.
3 - босқич. Натижаларни тақдим этиш	➤ Натижаларни маълум қилади, бошқа гуруҳ вариантларини муҳокама қиладилар
4 - босқич Умумлаштириш, яқун ясаш	➤ Баҳосиз ва қисқа равишда муаммони ечишнинг асосий ва ҳал этиш йўлларини санаб ўтади. Муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хулосаларга эътибор қаратади

Лойиҳалар усули

Лойиҳалар усули билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиш усулини амалга оширади. Таълим оловчилар юқори даражада, бошқа ўқитиш усулларидан фойдаланишга қараганда, режалаштиришда, ташкиллаштиришда, назоратда, таҳлил қилиш ва вазифани бажариш натижаларини баҳолашда иштирок этадилар. Лойиҳа фанлараро, бир фан ёки фан ташқарисида бўлиши мумкин.

Лойиҳа усулининг амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
Тайёргарлик	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўқитувчи лойиҳа мавзулари ва мақсадини аниқлайди. Таълим олувчиларни лойиҳалаш ёндашуви моҳияти билан таништиради. Бир қанча мавзулар таклиф этади, лойиҳа мазмуни тўғрисида маълумот беради, улар доирасини шакллантиради, иш турлари, уларнинг натижалари ва баҳолаш мезонларини санаб ўтади.
1 - босқич Режалаштириш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўқитувчи ғояларни таклиф этади, таклифларни айтади. ➤ Ахборот манбаи ва унинг йиғиш усуллари ва таҳлилини тавсия этади. ➤ Иш тартиби ва оралиқ босқичларни баҳолаш мезонлари ва умуман жараёни белгилайди.
2 - босқич Тадқиқ қилиш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Тингловчилар тадқиқотни бажарадилар. Ахборот тўплайдилар, оралиқ вазифаларни ечадилар.
3 - босқич Ахборот таҳлили. Хулосаларни шакллантириш.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Тингловчилар олинган ахборотни таҳлил қиладилар, хулосаларни шакллантирадилар
4 - босқич Тақдимот босқичи	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Тингловчилар олинган натижалар бўйича тақдимотга тайёрланадилар. Иш натижаларини намойиш тадилар.
5 - босқич Жараён ва натижаларни баҳолаш.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Тингловчилар жамоавий муҳокама орқали иш натижалари ва унинг бориши, шу жумладан муаммони ечишнинг тўлиқлик даражаси ва ҳаракат стратегиясини ҳимоя қиладилар, ўқитувчи уларни баҳолайди

“Кейс-стади” усули

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadu» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон

(When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Ниманатижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Шунингдек, модулни ўқитишда ҳамкорликдаги ўқишни ташкил этиш усулларида «Арра» ёки илон изи, «Биргаликда ўқиймиз», техникаларидан

фойдаланамиз.




Ҳамкорликда ўзаро ўқиш: тамойил ва қоидалари

- 1) гуруҳга битта топширик;
- 2) битта рағбат: гуруҳ барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гуруҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гуруҳ (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;
- 3) ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулиятлиги;
- 4) ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;
- 5) муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштиришга, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишга берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

“Илон изи” (“арра”) техникасини ўтказиш босқичлари

Иш босқич-лар	Фаолият шакли
1 –босқич Кириш.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўқитувчи лавҳаларнинг мураккаблиги ва ҳажми бўйича тенг бўлинган ўқув материали устида ишлаш учун 3-4 кишидан иборат бўлган гуруҳларни шакллантиради.
2 – Гуруҳларда ишлаш.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ҳар бир гуруҳ аъзоси эксперт варағига мос равишда ўқув материалдан керакли маълумотни топади. ➤ Мутахиссислар учрашуви-ҳар хил гуруҳларда фақат бир материални ўрганаётганлар билан учрашадилар ва экспертлар сифатида ахборотлар билан алмашиладилар, ўзларининг саволларини ишлайдилар, дастлабки ўзларининг гуруҳ аъзоларига ушбу ахборотни самаралироқ баён этишни биргаликда режалаштирадилар. ➤ Мутахиссислар ўзларининг дастлабки гуруҳларига қайтадилар ва бошқаларга ўзлари билиб олган барча янгиликларни ўргатадилар: ҳар бири ўзининг топшириғининг қисми тўғрисида маъруза қилади(худди арранинг бир тишидай). ➤ Умумий мавзу бўйича бир-бирларига саволлар берадилар ва билимларни баҳолайдилар ёки таълим берувчи томонидан барча мавзулар бўйича тестларни бажарадилар.
3- Якуний босқич.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўқитувчи иш якунидан сўнг гуруҳлардаги хоҳлаган таълим олувчига мавзу бўйича хоҳлаган саволга жавоб беришиши таклиф этади. Тингловчилар саволларга жавоб берадилар

“Илон изи”, “Арра” техникаси



“Биргаликда ўрганамиз” (“кооп-кооп”) усули ва унинг босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли
1. Гуруҳларни шакллантиш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўқитувчи ўқиганлик даражаси бўйича 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил гуруҳларни шакллантиради
2. Гуруҳли иш босқичига кириш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ҳар бир гуруҳга умумий мавзунинг <i>қисмини</i> - <i>бир</i> топшириқ беради, бу бўйича барча ўқув гуруҳлари ишлайди. ➤ Гуруҳ ичида умумий топшириқ бўлинади.
3. Гуруҳларда ишлаш.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўқитувчи топшириқни бажариш муваффақиятини, муомала маданиятини назорат қилади. ➤ Ҳамма алоҳида топшириқни бажарадилар ва барча мавзулар бўйича мустақил ишлайдилар. ➤ Гуруҳ аъзоларини кичик-маърузаларини тинглайдилар. Умумий маърузани ифодаляйдилар.
4. Такдимот ўтказиш	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Гуруҳ сардорлари ёки ҳамма гуруҳ иш якуни такдимотини ўтказадилар.
5. Баҳолаш.	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Ўқитувчи гуруҳ натижаларининг таҳлили ва баҳолашини ўтказди, ғолиб-гуруҳни аниқлайди.



Графикли организерлардан маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситаларидан “Инсерт” усули, “Блиц-ўйин” усулидан фойдаланилади.

“Инсерт” усули

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Блиц-ўйин” усули

Усулнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Усулни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

Графикли органайзерлардан маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг йўл ва воситаларидан “SWOT-таҳлил” усули, Венна диаграммаси усулидан фойдаланилади.

“SWOT-таҳлил” усули

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.




Венна Диаграммаси усули



Усулнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Усулни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



Графикли органайзерлардан муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни режалаштиришнинг йўллари ва воситаларидан Ишикава диаграммасидан фойдаланилади.



Балиқ скелети, Ишикава ёки
 Илдиз сабаблар таҳлили диаграммаси.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: *Инсоннинг яшаш муҳити унинг муҳафазаси.*

Режа:

1. Инсоннинг ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини белгилайдиган объектлар.
2. Атроф-муҳит омиллари ҳақида тушунча.
3. Санитария-гигиена тадбирлари уларнинг олиб борилиши ҳақида.

Таянч иборалар: ОИТС орттирилган иммунитет танқислиги синдромига

1.1 Санитария-эпидемиология хизмати.

Санитария-эпидемиология хизмати – аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини, орттирилган иммунитет танқислиги синдромига (ОИТСга) қарши курашиш марказларини, дезинфекция станцияларини, ўлат, карантин ва ўта хавфли инфекцияларни профилактика қилиш марказларини, илмий-тадқиқот муассасаларини ўз ичига олган ягона тизим;

чекловчи тадбирлар (карантин) – юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган маъмурий, тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этади;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тегишли ҳудудий бўлинмаларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

ҳудудларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилашга ва тозалигини сақлашга, аҳолининг санитария маданияти даражасини оширишга доир чоратadbирларни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

1.2. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳамда шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Давлат санитария назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа вазирликлар ва идораларнинг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ушбу модданинг биринчи қисми учинчи хатбошисида ҳамда иккинчи қисмида кўрсатилган таркибий бўлинмаларнинг фаолиятига услубий раҳбарлик қилинишини, бу фаолият мувофиқлаштириб борилишини таъминлайди.

санитария-эпидемиология хизматида раҳбарлик қилади, давлат санитария назоратининг асосий вазифаларини ва уни амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилайди;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини тасдиқлайди; атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини аниқлашга доир норматив-техник ҳужжатларни тасдиқлайди;

Профилактик эмлашларнинг миллий таквими ва эпидемик кўрсаткичлар бўйича профилактик эмлашлар ўтказиш тартибини тасдиқлайди;

одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган, аҳолининг яшаши ва хўжалик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайди;

1.3 Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар

Давлат санитария назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш:

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг, улар ўринбосарларининг;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарларининг;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мансабдор шахсларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари:

санитария-эпидемиология хизматида раҳбарлик қилади, давлат санитария назоратининг асосий вазифаларини ва уни амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилайди;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини тасдиқлайди; атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини аниқлашга доир норматив-техник ҳужжатларни тасдиқлайди;

Профилактик эмлашларнинг миллий тақвимини ва эпидемик кўрсаткичлар бўйича профилактик эмлашлар ўтказиш тартибини тасдиқлайди;

одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган, аҳолининг яшashi ва хўжалик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайди;

юқумли ва паразитар касалликларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишидан ҳудудларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилишга доир тадбирларни мувофиқлаштириб боради;

атрофдагилар учун хавф туғдирувчи юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши хавфи бўлган тақдирда тегишли санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказиш тўғрисида қарорлар чиқаради;

янги озиқ-овқат қўшимчаларини, махсус қўшиладиган биологик фаол моддаларни, кимёвий моддаларни, биологик воситалар ва материалларни, полимер ва пластик массаларни, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини токсикология-гигиена жиҳатидан баҳолаш асосида уларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши ва ишлаб чиқарилиши учун рухсатномалар беради;

республика ва маҳаллий эпидемия фондларидан ҳамда санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар учун ажратиладиган моддий-техника ресурсларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

санитария-эпидемиология хизмати муассасаларининг қарорларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир шикоятларни кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачларини тайинлайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачлари:

ўз бўйсунувидаги санитария-эпидемиология хизмати муассасаларига раҳбарлик қилади;

объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари бўйича хулосалар беради;

одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган, аҳолининг яшаши ва ҳўжалик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайди;

юқумли ва паразитар касалликларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишидан тегишли ҳудудни санитария жиҳатидан муҳофаза қилишга доир тадбирларни ўтказди;

авария ҳолатларини ҳамда юқумли ва паразитар касалликлар авж олишини бартараф этиш пайтида санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширади, шу жумладан манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда амалга оширади;

қонун ҳужжатларининг йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш юзасидан давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари билан келишган ҳолда туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларини тайинлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларга ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

а) санитария қоидаларининг, нормаларининг ва гигиена нормативларининг йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган ҳолда, давлат органларидан ва бошқа органлардан, юридик ва жисмоний шахслардан уларнинг бартараф этилишини талаб қилиш;

б) объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларида санитария қоидаларига, нормаларига ва гигиена нормативларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

в) белгиланган тартибда давлат органларига ва бошқа органларга, юридик ва жисмоний шахсларга:

аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳалари ҳамда объектларни жойлаштириш бўйича истиқбол режалари, шунингдек корхоналарни, биноларни ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш лойиҳалари юзасидан;

қурилиш учун ер участкалари бериш, хўжалик ва маиший мақсадларда сувдан фойдаланиш жойларини ҳамда оқова сувлар тозаланганидан кейин уларни тушириб юбориш шартларини аниқлаш, заҳарли, кимёвий, радиоактив моддаларни ва бошқа моддаларни утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш масалалари бўйича;

иншоотларнинг, турар жойларнинг, даволаш-профилактика, таълим, маданият, спорт муассасаларининг ва бошқа муассасаларнинг, ишлаб чиқариш бинолари ҳамда санитария-маиший биноларнинг, шунингдек ускуналарнинг, транспорт воситаларининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги тўғрисида;

таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг ўқув юклагаси ва машғулотларининг намунавий тартиби тўғрисида тақдим этиладиган таклифлар бўйича хулосалар бериш;

г) санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бажарилишини назорат қилиш мақсадида юридик шахсларнинг ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг объектларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кириш;

д) иш берувчилардан:

санитария қоидаларини, нормаларини ва гигиена нормативларини, эпидемияга қарши тартибни мунтазам равишда бажармаётган ҳамда юқумли ва паразитар касалликлар тарқалиши хавфини туғдирувчи шахсларни ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ва бажариладиган ишларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ишдан четлаштиришни;

санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини талаб қилиш;

е) озиқ-овқат маҳсулотларини, буюмлар, предметлар ва материалларни санитария-гигиена экспертизаси, лаборатория текширувлари учун олиш, бевосита объектларнинг ўзида зарур лаборатория ва жиҳозлар воситасида текширувлар ўтказиш;

ж) давлат санитария назоратини амалга оширишга вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мутахассисларини, шунингдек жамоатчилик вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар бош давлат санитария врачларига, уларнинг ўринбосарларига, ушбу Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисида ва иккинчи қисмида кўрсатилган таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларига ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб бермайдиган ер участкалари ажратиш, уй-жой, жамоат, ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтиришга доир лойиҳаолди ҳамда лойиҳа ҳужжатларини рад этиш;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бузилишлари бартараф этилгунига қадар, ишлаб турган иншоотлардан, турар жойлардан, ишлаб чиқариш объектларидан, маданий-маиший бинолардан фойдаланишни, умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг, таълим, даволаш-профилактика, санаторий-курорт муассасаларининг ва бошқа муассасаларнинг фаолиятини тўхтатиб туриш, ускуналарни, асбобларни ишлатишни, транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бузилган ҳолларда аҳоли пунктлари, бинолар ва иншоотлар қурилишини, реконструкция қилинишини ҳамда мазкур объектларда ишларнинг айрим турлари бажарилишини тўхтатиб туриш;

Назорат саволлари:

1. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қайси моддода килтирилган?
2. Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари қайси моддода килтирилган?
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари қайси моддода килтирилган?
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари қайси моддода килтирилган?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Закон о Государственном санитарном надзоре в Республике Узбекистан.
2. Покровский В.И., Брико Н. И. Руководство к практическим занятиям по эпидемиологии инфекционных болезней. - М.: «ГЭОТАР-Медиа», 2005. – 794с.
3. Законы Республики Узбекистан, Распоряжение Кабинета Министров, СанПиНы, приказы и другие директивные документы МЗ РУз по борьбе и профилактики инфекционных заболеваний.
4. Камиллов А.И., Саидалиев С.С., Ядгарова К.Д. и др. Краткое руководство по профилактике инфекций. – Ташкент, 2004., 91 с.
5. Клименко Е. П. и др. Эпидемиологический анализ. - М.: Медицина, 1983.

2-мавзу: Санитария-эпидемиология хизматлари уларнинг вазифалари.

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари
- 2.2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари
- 2.3. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар

Таянч иборалар:

ОЭТ-оператив эпидемиологик таҳлил - эпидемик жараённинг ривожланиши ва динамик ҳолатини зудлик билан баҳолаш, ОЭТ натижалари тезкор чора-тадбирлар ўтказиш қарорларини қабул қилишга асосланган.

2.1. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар:

давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги таъминланиши устидан белгиланган тартибда назорат олиб бориши;
аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиши, уларни аниқлаши ва бартараф этиши;

аниқланган хавфлар тўғрисида аҳолини ўз вақтида хабардор қилиши;
юқумли касалликларнинг ва юқумли бўлмаган оммавий касалликларнинг пайдо бўлиши, тарқалиши сабаблари ҳамда шарт-шароитларини аниқлаши;
жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиши ҳамда тегишли чора-тадбирлар кўриши;

санитария-эпидемиологик вазият ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларни хабардор қилиши шарт.

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари: аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишда кўмаклашади;

тегишли ҳудудда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши, ҳовли ва уй атрофи ҳудудларидаги қурилишлар ҳамда ҳовли ва уй атрофи ҳудудларини сақлаш қоидаларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида тегишли ҳудудда яшовчиларнинг ихтиёрий асосда иштирок этишини ташкил этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа органларга кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.2. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқлари.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар:

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан санитария-эпидемиологик вазият ҳамда инсоннинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисида ахборот олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

фуқаролар, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши оқибатида, шунингдек санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш пайтида ўзларининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда қопланиши;

давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органларга ёки мансабдор шахсларга ёхуд судга белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги мажбуриятлари

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг қарорлари ва кўрсатмалари талабларини бажариши; юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлган тақдирда уларни бартараф этиш мақсадида санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши;

ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ҳамда аҳолига реализация қилиш пайтида маҳсулотнинг, шунингдек бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг хавфсизлигини таъминлаши;

маҳсулотни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва аҳолига реализация қилиш, ишларни бажариш ҳамда хизматларни кўрсатиш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши;
аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига таҳдид солувчи авария вазиятлари, технологик жараёнларнинг бузилишлари тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларга ишончли ахборот тақдим этиши шарт.
Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

2.3 Фуқароларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фуқаролар: қулай яшаш муҳити;

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан санитария-эпидемиологик вазият ва инсоннинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисида ахборот олиш;

юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан маҳсулотнинг, шунингдек бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг хавфсизлиги ҳамда сифати тўғрисида ахборот олиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари оқибатида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга.

Фуқаролар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши ҳамда бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги шарт.

Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга доир талаблар

Норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир талаблар

Норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқаётган юридик ва жисмоний шахслар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар янги кимёвий моддалар ва биологик воситаларни, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини

хамда таркибида шу манбалар мавжуд бўлган приборларни, материалларни, технологик жараёнларни, ускуналарни, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини ҳамда бошқа халқ истеъмоли товарларини жорий этишдан олдин аҳолининг санитария-эпидемик хавфсизлигини таъминлашга доир нормативлар бўйича асослантирилган таклифларни, ушбу нормативларга риоя этилиши устидан назорат қилиш услубларини, зарарли маҳсулот ва чиқиндиларни зарарсизлантириш, утилизация қилиш усулларини ишлаб чиқиб, уларни келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачига тақдим этиши шарт.

Объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуришга, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга ҳамда ишга туширишга доир талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуриш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда ишга тушириш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Назорат саволлари:

1. Объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуришга, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга ҳамда ишга туширишга доир талаблар
2. Норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир талаблар
3. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга доир талаблар
4. Фуқароларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
5. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги мажбуриятлари
6. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқлари
7. Юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари
8. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг иштирок этиши
9. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари
10. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Методические разработки, указания, рекомендации по эпидемиологии, профилактики и эпидемиологическому надзору инфекционных заболеваний.
2. Камиллов А.И., Саидалиев С.С., Ядгарова К.Д. и др. Краткое руководство по профилактике инфекций. – Ташкент, 2004., 91 с.
3. Законы Республики Узбекистан, Распоряжение Кабинета Министров, СанПиНы, приказы и другие директивные документы МЗ РУз по борьбе и профилактики инфекционных заболеваний.
4. Закон о Государственном санитарном надзоре в Республике Узбекистан.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларитўғрисида тушунча:

Ишдан мақсад: Фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш

Фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш уларнинг гигиенага, соғлом турмуш тарзига, соғлиқни сақлашга доир билимлар, кўникмалар ҳамда малакаларни эгаллашига қаратилади ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш белгиланган тартибда:

таълим муассасаларида;

фаолияти озиқ-овқат хом ашёсини, озиқ-овқат маҳсулотларини ва ичимлик сувини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш, болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган кадрларга ишлашга ижозат бериш олдидан, ушбу кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш пайтида ўтказилади.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар гуруҳларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган).

Ишни бажариш учун намуна

Давлат санитария назоратини амалга ошириш бўйича фаолиятга аралашинишга йўл қўйилмаслиги. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг фаолиятига аралашиниш, давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларга уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатиш тақиқланади.

Низоларни ҳал этиш. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги 657–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 355-модда);
- 2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги 658–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 356-модда);
- 3) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 70–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда) X бўлими;
- 4) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 772–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда) V бўлими;
- 5) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 125–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7–8, 217-модда) I бўлими;
- 6) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) 2-моддаси;
- 7) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–253-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 333-модда) 1-моддаси;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) 2-моддаси;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–373-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда) 1-моддаси;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–381-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда) 2-моддаси.

Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органларининг ушбу Қонунга зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Назорат саволлари:

1. Юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида ўтказиладиган чора-тадбирлар
2. Дезинфекция тадбирлари
3. Профилактик эмлашлар ўтказиш
4. Мажбурий тиббий кўриклар
5. Фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш.
6. Давлат санитария назоратини амалга ошириш бўйича фаолиятга аралашишга йўл қўйилмаслиги
7. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайси ҳужжатлар асосида ҳал этилади?

8. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик
9. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш?
10. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги. Қонуни қачон қабул қилинган

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bonita R. et al. Basic epidemiology, 2nd edition. – WHO, Geneva: WHO Press, 2006. – 225 p.
2. Glen Mayhall C. Hospital epidemiology and infection control. – Texas, 1996. – 1283 p.
3. Infectious disorders. Matthew Cahill et all. Sprnighouse Corporation. Springhouse, Pennsylvania. 1995. – 280 p.
4. Last J. M. A dictionary of Epidemiology, 4nd edition. New York, Oxford: IEA, Oxford University Press, 2001.
5. Nurse's Manual of Infectious Diseases. Kathy Moss, Susanne L. Arbogast. Little, Brown and Company Boston New York Toronto London. 1996. 246 p.
6. Epidemiology. Allen J. Wilcox, 2006.
7. Epidemiology. Bark. Holland (Oversitter), 2006.
8. Epidemiology: Beyond the Basics. Moyses Szklo, F.Jovier Nieto. Not Avail; 2hd edition, 2006. 550 peges.
9. Ўз.Рес.ССВ веб-сайт WWW.minzdrav.uz; ТТА сайти – WWW.tma.uz. <http://web.tma> ТМА Wi-Fizone ZiyONet; кафедра-E_mail: epidem@ru

2-амалий машғулот: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларитўғрисида тушунча:.

Ишдан мақсад: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа органларга кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши мумкин.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар гуруҳларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган).

Ишни бажариш учун намуна:

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги мажбуриятлари

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг қарорлари ва кўрсатмалари талабларини бажариши; юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлган тақдирда уларни бартараф этиш мақсадида санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши;

ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ҳамда аҳолига реализация қилиш пайтида маҳсулотнинг, шунингдек бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг хавфсизлигини таъминлаши;

маҳсулотни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва аҳолига реализация қилиш, ишларни бажариш ҳамда хизматларни кўрсатиш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига таҳдид солувчи авария вазиятлари, технологик жараёнларнинг бузилишлари тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларга ишончли ахборот тақдим этиши шарт.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фуқаролар:

кулай яшаш муҳити;

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан санитария-эпидемиологик вазият ва инсоннинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисида ахборот олиш;

юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан маҳсулотнинг, шунингдек бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг хавфсизлиги ҳамда сифати тўғрисида ахборот олиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари оқибатида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга.

Фуқаролар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши ҳамда бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги шарт.

Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга доир талаблар

Норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир талаблар

Норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқаётган юридик ва жисмоний шахслар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар янги кимёвий моддалар ва биологик воситаларни, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ҳамда таркибида шу манбалар мавжуд бўлган приборларни, материалларни, технологик жараёнларни, ускуналарни, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини ҳамда бошқа халқ истеъмоли товарларини жорий этишдан олдин аҳолининг санитария-эпидемик хавфсизлигини таъминлашга доир нормативлар бўйича асослантилган таклифларни, ушбу нормативларга риоя этилиши устидан назорат қилиш услубларини, зарарли маҳсулот ва чиқиндиларни зарарсизлантириш, утилизация қилиш усулларини ишлаб чиқиб, уларни келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачига тақдим этиши шарт.

Объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуришга, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга ҳамда ишга туширишга доир талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуриш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда ишга тушириш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Худудларни, иншоотларни, биноларни сақлашга, ускуналар ва транспорт воситаларидан фойдаланишга доир талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар худудларнинг, иншоотларнинг, даволаш-профилактика, таълим, маданият, спорт муассасалари ҳамда бошқа муассасалар биноларининг сақланишини, шунингдек ускуналардан, транспорт воситаларидан фойдаланилишини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ таъминлаши шарт.

Кимёвий моддаларни, биологик воситаларни ва материалларни ташиш, сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш пайтидаги талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар кимёвий моддаларни, биологик воситаларни ва материалларни ташиш, сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш пайтида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш мақсадида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Янги кимёвий моддаларни, биологик воситалар ва материалларни, полимер ва пластик массаларни, атир-упа ҳамда пардоз маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасига олиб киришга ва ишлаб чиқаришга фақат токсикология-гигиена жиҳатидан баҳолангандан кейингина Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг рухсатномаси билан йўл қўйилади.

Радиоактив моддалар ва бошқа ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан ишлаш пайтидаги талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар радиоактив моддаларни ҳамда бошқа ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиб ташлаш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Назорат саволлари:

1. Фуқароларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайси моддада курсатилган?
2. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги мажбуриятлари қайси моддада курсатилган?
3. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқлари қайси моддада курсатилган?
4. Юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайси моддада курсатилган?
5. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этиши қайси моддада курсатилган?
6. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари қайси моддада курсатилган?

7. Санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини талаб қилиш
8. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари қайси моддада курсатилган?
9. Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачлари ким томонидан тайинланади?
10. Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларининг қарорларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир шикоятларни ким кўриб чиқади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ниязматов Б.И. Государственный доклад Главного Государственного санитарного врача Республики Узбекистан «О обеспечении санитарно-эпидемиологического благополучия среди населения Республики за 2003 год» // Ташкент 2004. с.103.
2. Ниязматов Б.И. Республика санитария-эпидемиология хизматида ўтган 7 сьездан кейинги ислохлар - ютуқлар ва муаммолар // Ўзбекистон Республикаси гигиенистлари, санитария врачлари, эпидемиологлар, микробиологлар ва инфекционистларнинг 8 сьезидаги маъруза. 10-11 май 2005 й. Тошкент. Б-66.
3. Закон Республики Узбекистан «О качестве и безопасности пищевой продукции». // Ташкент.1997.

3-амалий машғулот: Юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқлари.

Ишдан мақсад: Юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар:

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан санитария-эпидемиологик вазият ҳамда инсоннинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисида ахборот олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар гуруҳлар ёки яққа тартибда топшириқни бажарадилар (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган).

Ишни бажариш учун намуна:

Фуқароларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фуқаролар: давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан санитария-эпидемиологик вазият ва инсоннинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисида ахборот олиш;

юридик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан маҳсулотнинг, шунингдек бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг хавфсизлиги ҳамда сифати тўғрисида ахборот олиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари оқибатида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга.

Фуқаролар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши ҳамда бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги шарт.

Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга доир талаблар

Норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир талаблар

Норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқаётган юридик ва жисмоний шахслар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар янги кимёвий моддалар ва биологик воситаларни, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ҳамда таркибида шу манбалар мавжуд бўлган приборларни, материалларни, технологик жараёнларни, ускуналарни, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини ҳамда бошқа халқ истеъмоли товарларини жорий этишдан олдин аҳолининг санитария-эпидемик хавфсизлигини таъминлашга доир нормативлар бўйича асослантилган таклифларни, ушбу нормативларга риоя этилиши устидан назорат қилиш услубларини, зарарли маҳсулот ва чиқиндиларни зарарсизлантириш, утилизация қилиш усулларини ишлаб чиқиб, уларни келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачига тақдим этиши шарт.

Объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуришга, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга ҳамда ишга туширишга доир талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуриш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда ишга тушириш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Худудларни, иншоотларни, биноларни сақлашга, ускуналар ва транспорт воситаларидан фойдаланишга доир талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар худудларнинг, иншоотларнинг, даволаш-профилактика, таълим, маданият, спорт муассасалари ҳамда бошқа муассасалар биноларининг сақланишини, шунингдек ускуналардан, транспорт воситаларидан фойдаланилишини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ таъминлаши шарт.

Кимёвий моддаларни, биологик воситаларни ва материалларни ташиш, сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш пайтидаги талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар кимёвий моддаларни, биологик воситаларни ва материалларни ташиш, сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш пайтида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш мақсадида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Янги кимёвий моддаларни, биологик воситалар ва материалларни, полимер ва пластик массаларни, атир-упа ҳамда пардоз маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасига олиб киришга ва ишлаб чиқаришга фақат токсикология-гигиена жиҳатидан баҳолангандан кейингина Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг рухсатномаси билан йўл қўйилади.

Радиоактив моддалар ва бошқа ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан ишлаш пайтидаги талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар радиоактив моддаларни ҳамда бошқа ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиб ташлаш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Назорат саволлари:

1. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга доир талаблар?
2. Норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир талаблар.
3. Объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуришга, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга ҳамда ишга туширишга доир талаблар
4. Ҳудудларни, иншоотларни, биноларни сақлашга, ускуналар ва транспорт воситаларидан фойдаланишга доир талаблар.
5. Кимёвий моддаларни, биологик воситаларни ва материалларни ташиш, сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш пайтидаги талаблар

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Barker Dj. P., Rose G. Epidemiology in Medical Practice, 4nd edition. - Edinburgh: Churchill Livingstone, 1990. – 315 p.
2. Bonita R. et al. Basic epidemiology, 2nd edition. – WHO, Geneva: WHO Press, 2006. – 225 p.
3. Glen Mayhall C. Hospital epidemiology and infection control. – Texas, 1996. – 1283 p.
4. Hugh-Jones M.E., Hubbert W.T., Hagstad H.V. Zoonoses. Recognition, Control and Prevention. - Ames: Iowa State University Press, 1995. – 370 p.
5. Joint Committee on Vaccination and Immunization Against Infectious Diseases. - London: HMSO, 1996. – 115 p.
6. Last J. M. A dictionary of Epidemiology, 4nd edition. New York, Oxford: IFA, Oxford University Press, 2001.
7. Mahy B. Virology a practical approach. – Washington DC: IRL Press Oxford, 1988. – 172 p.
8. Strauss A., Corbin J. Basics of qualitative research. Thousand Oaks etc. – SAGE publications, 1998.

4-амалий машғулот: Фуқароларнинг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Ишдан мақсад: тингловчиларга ҳодиса – назорат ёки когорт тадқиқот усулида ўтказилган тадқиқотларда абсолют хавф, нисбий хавф, нисбий ва абсолют хавфнинг камайиши, нисбий хавфнинг улуши, шанслар нисбати кўрсаткичларини ҳисоблашни ўргатиш ва уларни ҳисоблаш, уларга баҳо бериш кўникмаларини шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар гуруҳларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган).

Ишни бажариш учун намуна:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари оқибатида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга.

Фуқаролар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши ҳамда бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги шарт.

Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Давлат ташкилотлари ва бошқа мулкдорлар томонидан берилаётган турар жойлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бўлиши керак.

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига жавоб бермайдиган турар жойларда фуқароларнинг яшашига йўл қўйилмайди.

Яшовчилар ҳовли, уй атрофи ҳудудларини сақлаш ва турар жойлардан фойдаланишнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган қоидаларини бажариши шарт.

Озиқ-овқат хом ашёсига, озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, сақлашга ва реализация қилишга доир талаблар

Озиқ-овқат хом ашёсини, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Янги озиқ-овқат қўшимчаларини, махсус қўшиладиган биологик фаол моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга ва ишлаб чиқаришга фақат токсикология-гигиена жиҳатидан баҳолангандан кейингина

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг рухсатномаси билан йўл қўйилади.

Хориждан олиб кириладиган маҳсулотни етказиб бериш ва реализация қилиш пайтидаги талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар хориждан олиб кирилаётган технологияларни, материалларни, хом ашёни ва маҳсулотни етказиб бериш, реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлашга доир талаблар

Хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлаш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар етказиб берилаётган сувнинг сифати санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек давлат стандартларига мувофиқлигини таъминлаши шарт.

Марказлаштирилган тартибда хўжалик ва ичимлик суви етказиб бериладиган сув қувурлари ҳамда уларнинг манбалари учун махсус тартибли санитария муҳофазаси зоналари белгиланиб, улар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Юридик ва жисмоний шахслар хўжалик ва маиший мақсадлар ҳамда марказлаштирилмаган тартибда сув билан таъминлаш учун фойдаланиладиган сув ҳавзаларидаги сувнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бўлишини таъминлаши шарт.

Таълим шарт-шароитларини тартибга солувчи санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишига доир талаблар

Таълим муассасаларида тегишли санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши керак.

Меҳнат шароитларига доир талаблар

Иш берувчилар ишлаб чиқариш биноларига ва санитария-маиший биноларга, ишлаб чиқариш жараёнларига, технологик ускуналарга, иш жойларининг ташкил этилишига, ходимларнинг меҳнат қилиш, дам олиш тартибига ҳамда ходимларга маиший хизмат кўрсатилишига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Махсус экспертизалар ўтказиш

Аҳолининг ва алоҳида шахсларнинг соғлиғи ҳамда касалланиш ҳолатини махсус экспертиза қилишнинг санитария-гигиеник турлари ва бошқа турлари, шунингдек лойиҳа ҳужжатларининг, техник ҳужжатларнинг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг, ускуналарнинг, асбоблар ҳамда аппаратларнинг, кимёвий моддаларнинг, турли бирикмаларнинг, материаллар ва муҳитларнинг, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг, саноат буюмларининг, радиоактив материалларнинг, радиациявий

техниканинг экспертизалари давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар, санитария-эпидемиология хизмати муассасалари, илмий-тадқиқот, олий таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан буюртмачининг маблағлари ҳисобидан ўтказилади.

Махсус экспертизаларни ўтказиш тартиби, буюртмачиларнинг, эксперт муассасаларининг ҳамда экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади

Назорат саволлари:

1. Меҳнат шароитларига доир талаблар.
2. Махсус экспертизалар ўтказиш.
3. Таълим шарт-шароитларини тартибга солувчи санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишига доир талаблар.
4. Хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлашга доир талаблар
5. Хориждан олиб кириладиган маҳсулотни етказиб бериш ва реализация қилиш пайтидаги талаблар.
6. Озиқ-овқат хом ашёсига, озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, сақлашга ва реализация қилишга доир талаблар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Hugh-Jones M.E., Hubbert W.T., Hagstad H.V. Zoonoses. Recognition, Control and Prevention. - Ames: Iowa State University Press, 1995. – 370 p.
2. Joint Committee on Vaccination and Immunization Against Infectious Diseases. - London: HMSO, 1996. – 115 p.
3. Last J. M. A dictionary of Epidemiology, 4nd edition. New York, Oxford: IEA, Oxford University Press, 2001.
4. Mahy B. Virology a practical approach. – Washington DC: IRL Press Oxford, 1988. – 172 p.
5. Strauss A., Corbin J. Basics of qualitative research. Thousand Oaks etc. – SAGE publications, 1998.

V.КЕЙСЛАР БАНКИ

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА №1

Тамаки чекиш ўпканинг ёмон сифатли ўсмаси ривожланишига олиб келадими? Шундай илмий тадқиқот ўтказилган. Бунда 3000 та ўпка раки (1 гуруҳ) бор ва 3000 та ўпка раки йўқ (2 гуруҳ) 40-60 ёшли эркаклар тадқиқотга жалб қилинган. 1 гуруҳдаги 1707 та эркаклар сурункали чекувчилар ва 1293таси чекмайди. 2 –гуруҳда 855 та одам сурункали чекувчи бўлган, лекин касаллик йўқ ва 2145 та одамда касаллик йўқ ва чекмайди. Тадқиқот натижасида шундай хулосага келинган. Тамаки чекувчиларда ўпканинг ёмон сифатли ўсмаси ривожланиш хавфи, тамаки чекмайдиганларга қараганда 2,0 марта юқори.

Савол:

1. Тадқиқотда қайси усул қўлланган?
2. Тадқиқот усулининг дизайнини чизинг.
3. Тўрт катакли жадвал тузинг.
4. Хавф кўрсаткичларини ҳисобланг ва интерпретация қилинг.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА №2


Юрак қон томир касалликларининг ривожланиши ва жисмоний фаоллик ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун 2 400 та 50 – 60 ёшли аёллар ўртасида тадқиқот ўтказилган. Тадқиқот бошида ҳеч бир аёлда юрак қон томир касаллиги бўлмаган ва анкета (сўраб - суриштириш) орқали уларнинг жисмоний фаоллик даражаси аниқланган. 600 аёл “жуда фаоллар”лар гуруҳига киритилган, 800 таси “нисбатан фаоллар” гуруҳига ва 1000 таси “жуда ялқовлар” гуруҳига киритилган. Тадқиқот охирида 100 та аёлда инфаркт ривожланган (ўлимга олиб келган ёки олиб келмаган инфаркт). 12 инфаркт “жуда фаоллар”лар гуруҳида, 35 инфаркт “нисбатан фаоллар” гуруҳида ва 53 та инфаркт “жуда ялқовлар” гуруҳида юз берган.

Савол:

1. Бу қандай тадқиқот тури?
2. Тадқиқотни натижаларини ҳисоблаш учун жадвал тузинг.
3. Сиз юрак қон томир касаллигининг ривожланиши ва жисмоний фаоллик ўртасидаги боғлиқликни қандай баҳолаган бўлардингиз? Керакли ҳисоб китобни бажариб, натижаларнинг муҳимлигини айтиб беринг.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА №3.

Аҳолининг гўшт истемол қилиши ва тўғри ичак раки ривожланиши оарсидаги боғлиқлик борми? Деган саволга жавоб олиш учун шундай тадқиқот ўтказилган. Популяциялар орасида касаллик юзага келиш частотаси ва хавф омили даражасини таққосланган. Графикда гўшт ейиш ва тўғри ичак раки юзага келиш частотаси орасидаги корреляция кўрсатилган, унинг “r” кўрсаткич +0,8 ёки +0,9 бўлиши мумкин, бу кучли корреляция дегани, лекин тўғри корреляция эмас. Агар корреляция +1 бўлганда графикда тўғри чизикни ҳосил қилган бўларди.



Савол:

1. Бу қандай тадқиқот тури?
2. Ушбу тадқиқотдаги гўштни ейиш билан касалланиш ўртасидаги боғлиқликнинг, яъни гўштнинг граммларини ошиб бориши тўғри ичак ракига олиб келишига сабаб бўлувчи хавф омили сифатида кўрсатилган. Сизнинг фикрингизча ушбу тадқиқот натижаларини аҳоли саломатлигига таъсир этувчи ҳавф омили сифатида қўллаш мумкинми?
3. Ушбу тадқиқотнинг камчилик ва афзалликларини кўрсатиб беринг.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАН№4.

Хавф омилига нисбатан таъсирчанлик катта гуруҳда ўртача хавф омилига таъсирчанликни билдиради корреляцион тадқиқот асосида мураккаб ўзаро боғлиқликлар яширинган бўлиши мумкин.

Корреляция бўлиши бу сабабий боғлиқлик бўлади дегани эмас, чунки қўшимча хавф омиллари бўлиши мумкин (confounding)).

Телевизор ўртачи кўриш микдори билан коронар артерия касалликларини ўртасида кучли корреляция аниқланган, унинг “r” кўрсаткич +0,9 бўлган.

Савол:

1. Бу тадқиқотнинг натижаларини аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун қўллаш мумкинми?
2. Бу хавф омили ўртасидаги қўшимча хавф омиллари бўлиши мумкинми? Агар қўшимча хавф омили бор деб билсангиз қандай омиллар бўлишини айтиб беринг. Агар қўшимча хавф омили йўқ деб билсангиз нима сабабдан бундай натижага келганингизни тушунтиринг.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАН№5.

Юрак қон томир системасида аниқ бир касаллиги бўлмаган инсонларда интенсив жисмоний активлик тўсатдан юрак тўхтаб қолиши хавфини олдини оладими? Бу саволга жавобни тез тиббий ёрдам тизимида ҳодиса - назорат усулида ўтказилган тадқиқот натижаларидан олишимиз мумкин. Касаллар Сиэтлнинг ва шаҳардан ташқари Кинг графлигидан, АҚШнинг Вашингтон штатидан ҳаммаси бўлиб 1250 яшовчилар танлаб олинган, улар касалхонадан ташқарида юрак тўхташини бошларидан ўтказишган. Маълумотлар тез тиббий ёрдам ишчиларининг ҳисоботларидан олинган. Назорат гуруҳ эса шу турар жойларга тегишли тасодифий телефон номерларидан танлаб олинган (кўп танланганлар уй телефонларига эга бўлганлар). Иккала гуруҳда ҳам қуйидаги мезонлар бўлиши керак: ёши 25 – 74; юрак касаллигининг клиник кўринишини бўлмаслиги; жисмоний активликни чеклашга олиб келувчи касаллик сабаб юзага келувчи кўшимча касалликлар; бирон бир жисмоний кучланиш, ҳаракат тўғрисида маълумот берадиган эри ёки хотинини бўлиши. Назорат гуруҳдагилар асосий гуруҳга ёши, жинси, оилавий шароити ва турар жойи (шаҳар ёки шаҳардан ташқари) билан ўхшаш бўлган. Иштирокчиларнинг турмуш ўртоқларидан дам олиш вақтлари ҳақида сўралган. Мезонлар икки гуруҳ аъзоларини бир аҳолига тегишли эканини ва бир хил жисмоний активликка эгаллигини таъминлаган. Натижаларда назорат ва ҳодиса гуруҳда бўлган асосий 163 инсонни ўрганилганда тахмин қилинган натижалар қайд қилинди. Дам олиш вақтидаги интенсив жисмоний активликка эга инсонларда юрак тўхтаб қолиш ҳавфи кам ҳаракатли инсонларга нисбатан 65 – 75 % га кам бўлган. Назорат ва ҳодиса гуруҳнинг ёки когортнинг танланиши умумий аҳолидан олинниши афзал ҳисобланса ҳам, кўпинча икки гуруҳни ҳам клиника ёки бошқа тиббиёт муассасаларидан танлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Лекин бу йўл хавфлидир, чунки даволаш муассасаларидаги касаллар контингенти аҳолининг аралаш танловидан юзага келган, бу аҳолига тадқиқот натижаларини қўллаш керак бўлади.

Савол:

1. Тадқиқотда танлаб олинган назорат гуруҳини қандай камчилик ва афзалликлари бор?
2. Тадқиқотда назорат гуруҳини танлашнинг қандай йўллари биласиз? Олинган тадқиқот натижаларини аҳоли учун репрезентативми?

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАН№6.

Иккита турли шаҳарларда онкологик касалликларнинг 100 минг кишига ўлим ҳолатлари ўрганилган, 200 тадан аҳоли танланиб уларда турли хавfli омиллар бор йўқлиги аниқланган.

Этник гуруҳлар орасида, ёш ва жинс орасида турли онкологик касалликларнинг тарқалганлиги фарқланган.

Японияда яшовчи японларда ошқозон раки кўпроқ учраган, Япониядан кўчиб келиб маълум бир вақт Америкада яшаган японларда бирмунча камайган, уларнинг болаларида деярли кам учраган.

Ўпканинг хавфли ўсмалари албатта аёлларга нисбатан эркакларда кўп учраган, аёллар эса сут бези ракидан азият чекканлар, шахтерларда ҳам нафас йўллари ва ўпканинг хавфли ўсмалари кўп учраган.

Савол:

1. Ракнинг бирламчи профилактикасини хавф омиллар билан боғлиқ холда тушутиринг.
2. Нима сабабдан турли этник гуруҳларда шароит ўзгариши билан рак касаллигининг тарқалиши ўзгарган. Кетма кетликда тушунтириб беринг.

1. Амалий топшириқлар

Тингловчилар гуруҳларга бўлиниб, ёзма тадқиқот турлари: ҳодиса ҳақида маълумот, корреляцион тадқиқотлар, кўнлаланг тадқиқотлар, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари тўғрисида берилган саволларга жавоб берадилар.

Тингловчиларни фаоллаштириш учун Ҳамкорликда ўқитиш усулларида бири “Арра” ёки илон изи” техникасини қўллаш.

Гуруҳлар учун саволлар

1-Топшириқ

- 1.Фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш.
- 2.Давлат санитария назоратини амалга ошириш бўйича фаолиятга аралаштиришга йўл қўйилмаслиги
- 3.Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги низолар қонун ҳужжатлари.
- 4.Санитария-эпидемиология хизмати муассасаларининг қарорларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир шикоятларни.

2-Топшириқ

- 1.Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.
- 2.Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари.

3- Топширик

1. Фуқароларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
2. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги мажбуриятлари.
3. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқлари.
4. Юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
5. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этиши қайси моддада курсатилган?
6. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари қайси моддада курсатилган?
7. Санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини талаб қилиш
8. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари қайси моддада курсатилган?
9. Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачлари ким томонидан тайинланади?

2. Амалий топшириқлар

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари ва уларнинг турлари: санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини талаб қилиш

Тингловчилар билан мавзунини муҳокама қилиш учун “Биргаликда ўрганамиз” усулини қўллаш.

Тингловчилар 2 гуруҳга бўлинади.

1 гуруҳ. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари ва уларнинг турлари ва камчиликлари, ҳодиса назорат усулида тўрт катакли жадвални тўлдириш.

1. 2 гуруҳ. Санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини талаб қилиш усулида тўрт катакли жадвални тўлдиришни ватманга ёки доскага чизиб тушунтириб беришади.

Гуруҳлар бир - бирларининг жавобларини тўлдирадilar.

Амалий машғулотни олиб бориш учун ҳамкорликда ўқитиш усулларида бири “Биргаликда ўрганамиз” усулини қўлланг.

3. Амалий топшириқлар

1- Топширик

Тингловчиларни 2 та ёки 3 тадан иборат кичик гуруҳларга бўлинг.

Гуруҳларга тайёр систематик шарҳ ёки мета таҳлилларни тарқатинг ва уларга систематик шарҳ ва мета анализни таҳлил қилиш учун жадвални тушунтиринг беринг. Гуруҳлар мақолаларни ўқиб таҳлил қилиш учун вақт беринг.

Систематик шарҳларни таҳлил қилиш учун жадвал

Саволлар	
1. Клиник савол аниқ, тўғри шакллантирилганми? вопрос? <ul style="list-style-type: none"> ▪ <i>Ўрганилаётган аҳолига</i> ▪ <i>Таъсир этиши (даволаши)</i> ▪ <i>Натижага</i> 	Ҳа Билмадим Йўқ
2. Шарҳ учун танланган тадқиқотлар систематик шарҳлар мезонларига тўғри келадими? <ul style="list-style-type: none"> • <i>Шарҳнинг саволига жавоб берадими?</i> • <i>Тадқиқотлар дизайни мос келади</i> 	Ҳа Билмадим Йўқ
Систематик шарҳни давом эттириш мақсадга мувофиқми?	Ҳа Билмадим Йўқ
4. Олинган тадқиқотлар сифатий жиҳатдан баҳоланганми?	Ҳа Билмадим Йўқ
5. Агар неча тадқиқот хулосалари жамланган бўлса, тадқиқот улар асослими? <ul style="list-style-type: none"> ▪ <i>Жамланган барча мақолалар натижалари кўрсатилганми?</i> ▪ <i>Тадқиқот натижалари ўхшашлари борми?</i> ▪ <i>Агар тадқиқот натижалари фарқланган бўлса, улар муҳокама қилинганми</i> 	Ҳа Билмадим Йўқ
6. Натижалар қандай кўрсатилган ва асосий натижа қандай бўлган? <ul style="list-style-type: none"> ▪ <i>Имкониятлар нисбати, нисбий хавф ҳисобланганми?</i> 	Ҳа Билмадим Йўқ
7. Олинган натижалар қанчалик тўғри? <ul style="list-style-type: none"> • <i>Ишончлилик чегараси кўрсатилганми?</i> • <i>Агар ишончлилик чегарас бўлмаса, P кўрсаткич борми</i> 	Ҳа Билмадим Йўқ
8. Маҳаллий шароитларда ушбу натижаларни қўллаш мумкинми?	Ҳа Билмадим Йўқ

Мета анализларни таҳлил қилиш учун жадвал

Даража	Мета-анализлар учун танланган бирлаимчи тадқиқотлар даражасига боғлиқ
Натижа	1. Асосий (бирламчи) 2. Иккиламчи
Дизайн	3. Клиник савол ва унинг ечимига йўналтирилган 4. Адабиётларни қидириш ва таҳлил қилиш батафсил ёритилган 5. Мета анализ учун танланган тадқиқотларни танлаш учун методологик стандартлар кўрсатилган 6. Популяцияни ўрганишда демографик кўрсаткичлар: ёш, жинс, миллати эътибюрга олинган. .
Ишончилики	7. Мета анализ танланган клиник саволни ечишга йўналтирилганми? 8. Систематик хатоликлардан холими 9. Резюме
Натижалар	10. Микдорий натижалар 11. Имкониятлар нисбати (ОШ) ва 95% ишончилилик чегараси (ДИ) 12. Абсолют хавфнинг камайиши 13. Беморлар сони етарлими 14. р катталиқ (агар мумкин бўлса, аниқ кўрсаткич)
Муаллифлар хулосаси	
Резюме	

2-топшириқ

Тингловчиларга Венна диаграммасидан фойдаланиб РКИ, Систематик шарх ва мета анализнинг ўхшаш томонлари, уларнинг афзалликларини флип карта ёки ватманга чизиб тушунтириб беришларини сўранг.

4- Амалий топшириқ

Топшириқ 1.

Тингловчиларни 3 та кичик гуруҳларга бўлинг. Гуруҳларга қуйидаги касалликларни беринг ва шу касалликларга олиб келувчи асосий муаммо ва хавф омилларини Ишикава диаграммасига қўйиб тушунтириб беришини сўранг.

1. Қандли диабет касаллиги, унинг келиб чиқишидаги асосий сабаблари.
2. Юрак ишемик касаллиги, асосий муаммо ва келиб чиқиш сабаблари
3. Туғма нуқсонлар: туғма нуқсонларнинг ривожланишидаги асосий сабаблар.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН ТОПШИРИҚ

1. Ўз мутахасислингиз бўйича муаммоли савол (PICO)ни шакллантиринг.
2. Унга PUB MEDдан жавоб изланг.
3. Олинган натижаларни таҳлил қилинг ва тушунтириб беринг.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташқил этишнинг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Хориждан олиб кириладиган маҳсулотни етказиб бериш ва реализация қилиш пайтидаги талаблар
2. Таълим шарт-шароитларини тартибга солувчи санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишига доир талаблар.
3. Санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ташқил этиш ҳамда ўтказиш
4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг санитария муҳофазаси
5. Юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида ўтказиладиган чора-тадбирлар.
6. Мажбурий тиббий кўриклар.
7. Фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш.
8. Давлат санитария назоратини амалга ошириш бўйича фаолиятга аралаштиришга йўл қўйилмаслиги
9. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасини давлат томонидан тартибга солиш
10. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.
11. Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари
13. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари.
14. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар.
15. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Статистик мажмуа	маълум вақт ичида, маълум чегарада олинган мазмунан бир хил, шаклан ҳар хил элементлардан ташкил топган гуруҳдир.	the certain period of time, the contents of the border from the group consisting of different forms of the same element.
Генерал мажмуа	барча кузатиш бирлигини ўз ичига олган мажмуа	complex which contains all the unit of observation
Танлаб олинган мажмуа	генерал мажмуани бир қисми бўлиб, у махсус йўллар орқали танлаб олинади. Мажмуа репрезентатив ҳисобланади: 1) белгилари жиҳатдан генерал мажмуага ниҳоятда ўхшаш бўлиши керак. 2) кузатиш олиб бориш учун сон жиҳатдан етарли бўлиши керак.	part of the general complex, which is selected by a special way. It will include the survey: 1) features of general complex should be very similar. 2) should be sufficient the tracking number for carried out.
Лаҳзада кузатиш усули	воқеалар ва ходисаларни аниқ олинган бирвақтда кузатиш	monitor events and cases at the same time
Жорий кузатиш усули	воқеаларни пайдо бўлишига қараб уларни доимий равишда қайд этиб боришдир.	regularly registration cases depending on appearing them
Ёппасига кузатиш	ўрганилаётган мажмуани барча бирликлари текширилади. Бошқача қилиб айтганда, барча воқеалар битта ҳам қолдирилмасдан рўйхатдан ўтказилади.	mass surveillance is the intricate surveillance of an entire or a substantial fraction of a population in order to monitor that group of

		citizens.
Танлаб олинган мажмуани кузатиш	ёппасига кузатиш усули кўп вақт, маблағ ва куч сарф этилишини талаб этганлиги учун ҳам, кўпинча генерал мажмуадан бир қисм мажмуани танлаб олиб кузатилади.	due to the mass observe required a lot of time, money and effort, for the general also often require complex sets of components selected.
Бевосита кузатишусули	клиника валабораториядаолибборилаётган эксперимент натижалариникайдэтишорқалим аълумотйиғиш	collecting data by registration of observation results of clinical and laboratory examinations
Ҳужжатлар ёрдамида маълумот тўплаш	тиббиёт, санитария-эпидемиология муссасаларида қўлланилаётган ҳар хил ҳужжатларни ўрганиш орқали маълумот йиғиш.	to collect information through the use of various documents in medical, sanitary-and-epidemiologic institutions.
Анмнестик хотирлаш, анкета-сўровусули	статистик маълумотлар махсус тузилган анкетани маълум доирадаги шахсларга юбориш, корреспонденция-кундалик тутиш ва унга ўз-ўзини қайд этиш, ҳамда бевосита сўров усуллари орқали маълумот тўплаш.	statistical data in the special form created by a specific range of individuals to keep daily correspondence and self-registration, as well as a direct request by the methods of data collection
Атрибутив, типологик гуруҳлаш	белгининг сифатий таркибига қараб гуруҳларга ажратиш.	dividing into groups depending on composition of qualitycharacters
Вариацион гуруҳлаш	белгининг миқдорий таркибига қараб гуруҳларга ажратиш.	dividing into groups depending on composition of quantitative characters
Оддий жадваллар	статистик материал фақат битта белги бўйича сон жиҳатдан тақсимланади.	statistically material distributed just in only one characternumbers.
Гуруҳлашган жадвал	статистик материал боғлиқ бўлган икки, учта ва ундан кўп белгилар бўйича тақсимланади.	statistically material distributed with link of two and more characternumbers.
Касалланиш	аҳоли орасида ёки унинг айрим	diseases which

	гурухлари ичида тарқалган касалликлар.	prevalence among population or in some groups of one's
Ёзма тадқиқот усуллари	касалланишнинг (популяцияга), жойига ва вақтга нисбатан тақсимланиш ҳарактеристикасини тасвирлайди.	describes the distribution feature of the disease (population) depending on the place and time of distribution characteristic.
Хавф омиллари	инсон саломатлигига хавф туғдирувчи, касалликларни келиб чиқишига, ривожланишига, ёмон оқибатларга олиб келувчи - биологик, генетик экологик, тиббий-ижтимоий ҳарактерга эга бўлган, ташқи муҳит, ишлаб чиқариш шароити, турмуш тарзи билан боғлиқ омиллар гуруҳидир.	a risk factor is any attribute, characteristic or exposure of an individual that increases the likelihood of developing a disease or injury. Some examples of the more important risk factors are underweight, unsafe sex, high blood pressure, tobacco and alcohol consumption, and unsafe water, sanitation and hygiene.
Ҳодиса-назорат тадқиқот усули (ХН)	аналитик тадқиқот усулларида бири бўлиб, ўрганилаётган сабаб ва оқибат ўртасидаги боғлиқликни оқибатга нисбатан ўрганади, шунинг учун вақтга нисбатан ретроспектив усул ҳисобланади	acase-control study is a type of observational study in which two existing groups differing in outcome are identified and compared on the basis of some supposed causal attribute.
Нисбий хавф	эпидемиологиядаги асосий тушунчалардан бири бўлиб, касаллик ёки касалликнинг оқибати билан хавф омилнинг боғлиқлик даражасини кўрсатади ёки ўрганилаётган натижага таъсир қилаётган омилнинг аҳамиятлилигини ифодалайди.	one of the basic concepts of epidemiology, displays the degree correlation with the or risk factors and disease or consequences of the disease or to describe the importance of the factors that may affect

		the study results.
Абсолют хавф(АХ)	ўрганилаётган касалликнинг профилактик чоралар амалга оширилганда ва ушбу тадбирлар амалга оширилмаганда ривожланиш эҳтимоллигини ифодалайди ва ҳар бир омил градацияси учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади.	accounting separately for each gradation factor and explains probability of developing the disease while carried out or do not preventive measures.
Систематик хатолик	режалаштиришда, малумот йиғишда, анализ қилишда, интерпретацияда ва нашр этиришда юзага келган хатолик.	the error which appear during planning, collecting of date, analysis, interpretation and publication
Тасодифий хатолик	мажмуа қанча пухталиқ билан танлаб олинмасин, у генерал мажмуага қанчалиқ ўхшаш бўлмасин ёки репрезентатив бўлмасин, барибир танлаб олинган мажмуа генерал мажмудан фарқ қилади.	there are a lot of differences between general complex and complex, despite to carefully selection of complex and similarity with general complex or be representative
Рандомизация	олинган натижаларнинг ноаниқлигини, хатоликларни камайтириш, ишончлилигини ошириш мақсадида ўтказилаётган клиник тадқиқотларда пациентларни даволаниш гуруҳларига тасодифий танлаб олиш, тасодифий тақсимлаш тушунилади; шундай қилиб, рандомизланган тадқиқотлар — рандомизацияга асосланган ҳолда пациентларни даволаш гуруҳларига тақсимланиб ўтказилган тадқиқотлардир.	Randomization is a technique that gives every patient an equal chance of winding up in any particular arm of a controlled clinical trial. Randomized clinical trial or Randomized controlled trial (RCT) an interventional study in which the patients are randomly selected or assigned either to a group which gets the intervention or to a control group.
Ниқоблаш усули	агар тадқиқотдаги иштирокчилар қандай таъсир қўлланилаётганини билса, бу уларнинг хулқ-атворида таъсир	if participants of the survey know about what kind of impact is used, it possible

	кўрсатиши мумкин. Бунда таъсирни иштирокчилар билмаслиги учун яшириш (маскирование) ёки кўр усул (“ослепение”) тавсия қилинади.	influence to their behavior. In this case recommended method of “blinding” or “masking”.
Систематик шарҳ	(Кохран ассоциацияси марказларининг систематик шарҳи, оддий қилиб айтганда — Кохран шарҳи) —олдиндан режалаштирилган усуллар ёрдамида илмий тадқиқотлар ўтказиш, бунда тадқиқотнинг объекти қилиб қатор оригинал тадқиқотларнинг натижалари олинади. Улар систематик хатоларни камайтириш имконини берувчи усуллар ёрдамида тадқиқотлардан олинган натижаларни синтезлайди. Бу усуллар аниқ олинган битта савол бўйича мақолаларни чуқур таҳлил этиш ва шарҳлаш учун мақолаларнинг аниқлигини оширувчи мезонлар бўйича танлаш имконини беради.	(systematic review of Cochrane association centers, simple- review of Cochrane) carry out the scientific researchs with previous planned methods, in this case as a objects would be taken the results a number of the original surveys. They synthesis of the results from the research with using methods which reduce systematic errors. This methods give the opportunity a deep analysis and increase of exaction of publication in a certain topic.
Систематик сифатий шарҳ	агар оригинал илмий тадқиқот натижалари кўриб чиқилган, таҳлил этилган бўлсаю лекин, статистик йўл билан жамланмаган бўлса - бундай шарҳни систематик сифатий шарҳ деб аталади.	If the results of the original scientific research considered and analyzed, but its do not collected by statistical way- it is called a systematic qualitative review
Систематик миқдорий шарҳ	оригинал илмий тадқиқот натижалари статистик усуллар ёрдамида ишлов берилган жамланган шарҳларни - систематик миқдорий шарҳ деб аталади.	the comments collected by statistical methods of results original scientific research using working together - known as quantitative systematic review.
Олтин стандарт” -	“репрезентатив, сон жиҳатдан етарли ва яхши дизайн асосида	results of the study, which was carried out

	Ўтказилган тадқиқот натижалари.	on the basis of representativeness, in sufficient quantity and of good design.
Мета - анализ (meta analysis)	бир хил мавзуга бағишланган турли муаллифлар томонидан ҳар хил бажарилган тадқиқотларнинг бир турли натижаларини баҳолашда уларнинг сифат жиҳатидан ишончлилигини оширишга имкон берадиган жамлаш методологиси.	The methodology of combining diverse and made by various authors of studies related to the same topic, to improve the reliability of estimates of the same name results.
About Entrez	Entrez системаси ҳақида маълумот бўлиб ҳисобланади, PubMed унинг бир қисми.	the Entrez Global Query Cross-Database Search System is a <u>federated search engine</u> , or <u>web portal</u> that allows users to search many discrete <u>health sciences</u> databases at the <u>National Center for Biotechnology Information (NCBI)</u> website.
Entrez PubMed	бу сарлавҳа остида PubMed тўғрисида турли маълумотномалар манбалари ҳақида муҳим кўрсаткичлар (ссылки) жойлаштирилган.	the NCBI is a part of the <u>National Library of Medicine (NLM)</u> , which is itself a department of the <u>National Institutes of Health (NIH)</u> , which in turn is a part of the <u>United States Department of Health and Human Services</u>
Калит сўзлар бўйича қидирув (терминлар)	PubMed турли мураккабликдаги қидирувни олиб боришга ёрдам беради. Энг оддийси калит сўзлар орқали қидирув ҳисобланади, яъни терминлар орқали, маълумотни асосий маъносини беради.	PubMed helps perform complex searches. The easiest method of searching through the search is considered a keyword, i.e., through the terms.

Муаллифли кўрсаткич (Author Index)	олдинги кўрсаткичларда терминларга тўғри келганлари бўлмаса, муаллифлик кўрсаткичлардан қидирилади, бунда айрим қоидаларга риоя қилиш керак бўлади.	if there is no appropriate terms in the previous search results, the search is conducted by the authors, in this case must comply with certain rules

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар:

1. Зуева Л.П., Яфаев Р.Х. Эпидемиология. - Санкт Петербург, 2006. – 746 с.
2. Усманов М.К. - Эпидемиология Т., 1993. – 555 б.
3. Barker Dj. P., Rose G. Epidemiology in Medical Practice, 4nd edition. - Edinburgh: Churchill Livingstone, 1990. – 315 p.
4. Bonita R. et al. Basic epidemiology, 2nd edition. – WHO, Geneva: WHO Press, 2006. – 225 p.
5. Glen Mayhall C. Hospital epidemiology and infection control. – Texas, 1996. – 1283 p.
6. Hugh-Jones M.E., Hubbert W.T., Hagstad H.V. Zoonoses. Recognition, Control and Prevention. - Ames: Iowa State University Press, 1995. – 370 p.
7. Joint Committee on Vaccination and Immunization Against Infectious Diseases. - London: HMSO, 1996. – 115 p.
8. Last J. M. A dictionary of Epidemiology, 4nd edition. New York, Oxford: IEA, Oxford University Press, 2001.
9. Strauss A., Corbin J. Basics of qualitative research. Thousand Oaks etc. – SAGE publications, 1998.

Интернет ресурслар

www.Cochranelibrary.com
www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed
www.Updates.com
www.tripdatabase.com
www.healthnet.org
www.cihr-irsc.gc.ca